



СССР ҶУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН 16 май 1974 йил, пайшанба № 113 (15.893). ♦ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Пионерлар ва мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этишни янада яхшилаш тadbирлари тўғрисида»ги масалани қараб чиқди.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда кўйилган таъкидлаб ўтилди: партия, совет, касбабандлар, комсомол ва ҳужалик органлари кейинги йилларда пионерлар ҳамда мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини яхшилаш юзасидан бир қанча тadbирларни амалга оширдилар. 1973 йилда пионер лагерларида, болалар макдончаларида ва туристик базаларда қарийб 14,5 миллион ўқувчи дам олди, 250 минг бола санаторий типидagi лагерларда даволанди.

Болалар ва ўсмирларнинг дам олишини иқтисодий фойдаланиш мекони билан бирга қўшиб олиб бораган ҳолда ташкил этиш тибора кенг қўйилган. Юқори синфларнинг ўқувчилари учун меҳнат ва дам олиш лагерлари, мактаб дархазторлари, ўқувчиларнинг қишлоқ ҳужалик ишлаб чиқариши бригадалари тузилмоқда, ўқувчиларга меҳнат тарбияси бериш билан боғланган бошқа бир қанча тadbирлар амалга оширилмоқда. «Йигит ва қизларни меҳнатга ҳурмат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш» деб таъкидлади Л. И. Брежнев ВЛКСМ XVII съездида сўзлаган нутқида, «халқ дон Коммунистик партиянинг жон куйдирганини ишчи... бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу — давлат аҳамиятига молик катта масала. Ҳамма меҳнатчиларнинг... коллективлари, жамоат ташкилотлари, мактаб ва оила бу масаланинг тўғри қўйлишини ва ҳал этилишини манафаддорлар».

Шу билан бирга, пионерлар ва мактаб ўқувчиларининг дам олишини яхшилаш соҳасида қўрилган тadbирларга қарамай, бир қанча республика, ўлка ва об-ластларда пионер лагерлари шохбаларини ривожлантириш, болаларга меҳнат тарбияси ва жисмоний тарбия бериш учун моддий базани яхшилаш, мактаб ўқувчиларини кўнглидаги меҳнат руҳида ишлар қўнғилдагидек олиб боришга, Юқори синфларнинг ўқувчилари учун меҳнат ва дам олиш лагерларини яхшироқ келтириш мақсадида корхоналар, қурилишлар, совхозлар ва колхозларнинг маблагларини кооперативлаштириш масалалари сўз ҳал этилмоқда. Пионер лагерларини асбоб-ускуна, транспорт, алоқа, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Партия, совет, касбабандлар, комсомол органлари, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт муассасалари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари бир қанча ҳолларда пионер лагерлари учун ва шаҳарларда ҳамда оқоли пунктларида қолган мактаб ўқувчилари билан ишлаш учун кадрлар танлаш ва тайёрлаш ишлари билан сўз шугулланмоқдалар. Умумий

таълим мактаблари, пионер уйлари ва саройлари, маданият оқарту ва спорт муассасаларининг коллективлари, аз фаслида болалар ўртасида тарбиявий, маданият-оммавий ва физкультура ишларини ҳеч асос бўлмагани ҳолда эътибордан четда қолдирмоқдалар. Бир қанча жойларда ўқувчиларга меҳнат тарбияси бериш, юқори синф ўқувчиларини каникул даврида корхона, совхоз ва колхозлардаги меҳнатда қўлларини келган қадар иштирок қилишга ташкил этиш суратда жалб этишга зарур эътибор берилмаётган.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, СССР ми-нистрликлари ва идораларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнатқашлар депутатлари ўлка ва область Советлари иж-роия комитетларига мактаб ўқув-чиларини соғломлаштириш ва уларнинг дам олишини ташкил этишни яхшилаш, ёш авлоднинг меҳнат ва ҳужалик-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, болалар ва ўс-мирлар ўртасида ҳар томонлама физкультура-спорт, эҳсоният-туристик ва соғломлаштириш иш-лари кенг аж олдирди. Мақса-дида ёш каникулдан самарали фойдаланишни таъкид қилди.

СССР Госпланига, ВЦСПСга, ВЛКСМ Марказий Комитетига, СССР ми-нистрликлари ва идораларига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ҳалқ ҳўжалигини ривожланти-ришининг 1976—1980 йилларга мўлжалланган беш йиллик пилани лойиҳасини ишлаб чиқиш вақти-да болалар ва ўсмирларнинг дам олиши ва даволанишнинг уюш-тириш учун моддий базани кен-гайитириш ва мустаҳкамлашни, ша-ҳарлардаги ва шаҳар атрофи-даги пионер лагерлари шохбаларини кўпайтириш, юқори синф ўқувчилари учун соғломлашти-риш ва меҳнат лагерларини, бу-тун йил бўйи ишлайдиган сана-торий типидagi лагерларни кў-пайтиришни кўзда тутиш тасвир-этилди. Кооперативлаштирилган асосда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маблаглари-ни жалб этган ҳолда пионер ла-герлари қурилишини кенгайти-риш тасвир этилди.

Министрликлар ва идоралар қурилишнинг қўнғилдагидек иш-на сметага қўйилган таъкидла-ди. Мақсабидида болалар ва ўс-мирларнинг қишлоқ ҳўжалик иш-лари билан ишлашни кўпайти-риш зарурлигига жалб этилди. Пионерлар ва мактаб ўқувчи-лари билан ишлаш учун мактаблар-нинг педагог коллективларини, спорт ташкилотларини, ёзувчилар, режиссёрлар, кинематографлар,

журналистларнинг ижодий союзна-рини, меҳнатқашларнинг турли бирлашмаларини кенг жалб қи-лиш тасвир этилди. Мактаблар, маданият-оқарту муассасалари ҳў-зурида, парклар, боғлар, спорт иншоотларида шаҳар пионер ла-герлари, Совет Армияси ва Ҳар-бий Денгиз Флоти ёш дўстлари-нинг клублари, бадий ҳаваскор-лик тўғараклари, техника тўғарак-лари, туристик ва спорт секция-лари ташкил қилинсин. Ёз фасли-да шаҳар ва район спартакнадалар-и, кинофестиваллар, болалар тех-ника ижодкорлиги ва ҳаваскор санъаткорларнинг кўриклари, ёш туристлар ва табиатушларнинг слётлари мўнотазам суратда ўтказ-или турлисин.

СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, иттифоқдош ва ав-тоном республикаларнинг Минис-трлар Советларига, область ва ўлка ижроия комитетларига пионер лагерлари билан муҳофаза-спорт ла-герларини, болаларнинг туристик базаларини, юқори синф ўқувчи-лари учун очилмаган меҳнат ва дам олиш лагерларини, шаҳар пионер лагерларини юқори сифатли озиқ-овқат таъминлаш, шаҳар ва об-ластлардаги ёш муҳим сиёсий воқеаларни соддакор қилиб ту-шунириш беришга эътиборни кў-чайтиришни таъкид қилди. Юқори синфларнинг ўқувчиларини ёш каникул даврида ишлаб чиқариш-иқтисодий фойдаланиш меҳнатда ак-тивроқ қатнаштиришни таъминлаш тadbирларини амалга ошириш тас-вир этилди. Ўқувчиларнинг турли меҳнат бирлашмалари: ўқувчилар-нинг қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқа-риш бригадаларини, меҳнат ва дам олиш лагерларини, мактаб биноларини ремонт қилиш ва ободонлаштириш, шаҳар ва қишлоқ-ларини кўчалар-зорлаштириш от-рядларини, мактаб дархазторла-рини барпо этиш, табиий бойлик-ларини муҳофаза қилиш, доридермон бўлағидан ўтларни, уру-ларини, қўзқорикни, мога ва шу си-нгарларини йиғиштириб олиш соҳа-сидаги ишларни тибора кенг ри-вожлантириш лозим.

Партия, совет, касбабандлар ва комсомол органлари, халқ маори-фи ва маданият органларининг эътибори аз фаслида шаҳарларда ва ишчи посёлкаларда қолган пионерлар ҳамда мактаб ўқув-чилари билан ишлашни кўпайти-риш зарурлигига жалб этилди. Пионерлар ва мактаб ўқувчи-лари билан ишлаш учун мактаблар-нинг педагог коллективларини, спорт ташкилотларини, ёзувчилар, режиссёрлар, кинематографлар,

СОВЕТ ҶУКУМАТИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Ливия Араб Республикаси революцион қўмондонлиги кенга-шининг аъзоси, Бош ми-нистр Абдил Салом Желуд Совет ҳўкумати-нинг таъкидига би-ноан расмий визит билан 14 майда Москвага келди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, КПСС Мар-казий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташки ишлар ми-нистри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзосининг кан-дидат, КПСС Марказий Коми-тети секретари Б. Н. Пономарев, Совет Иттифоқининг Ли-виядаги элчиси И. Н. Якушин

самолёт зинаюлоси одида Аб-дил Салом Желуднинг кутиб ол-дилар. Учин майдонда фахрий қо-ровул саф тўғиб турди ва Давлат гимнлари ижро этилди. А. Н. Косигин билан Абдил Салом Желуд Совет жангчи-лари сафлари олдида ўтдилар. Олий меҳмон аэродромдан шаҳарга қараб йўл олди. Мотоциклчилар фахрий эс-корти ҳамроҳлигида автомаши-налар ўтган кўчалар ва май-донлар Совет—Ливия байроқ-лари ҳамда Совет—Ливия дўстлиги шарафига таъриқ су-злари ёзилган транспарантлар билан безатилган эди. (ТАСС).

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

ССР Иттифоқи ҳўкумати Ли-вия Араб Республикаси рево-люцион қўмондонлиги кенга-шининг аъзоси, Бош ми-нистр Абдил Салом Желуд шарафига 14 майда катта Кремль саройи-да зиёфат берди. Зиёфатда меҳмон билан бир-га келган Ливия давлат арбоб-лари ҳозир бўдилар. Совет томонидан зиёфатда СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, СССР Ми-нистрлар Совети Раясининг би-

ринчи ўринбосари К. Т. Мазу-ров, СССР ташки ишлар ми-нистри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзосининг кан-дидат, КПСС Марказий Коми-тети секретари Б. Н. Пономарев бор эдилар. Самимий дўстлик вазиятида ўтган зиёфат чоғида А. Н. Ко-сигин билан Абдил Салом Желуд нутқ сўзладилар. (ТАСС).

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖўНАБ КЕТДИ

СССР Олий Советининг деле-гацияси Швейцария парла-ментининг таъкидига биноан жаваб визити билан 15 майда Москвадан Берига жўнаб кет-ди. Делегация составида СССР Олий Совети Иттифоқ Со-ветининг раиси А. П. Шитков (депутат раҳбари), СССР Олий Советининг депутатлари Н. С. Лазинский, Е. П. Моска-ленко, Т. Н. Осетров, И. К. Чебан бор. Шереметьево аэродромида делегацияни СССР Олий Со-вети Миллатлар Советининг ра-иси Е. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиуми халқ-ро алоқалар бўлимининг му-дир В. Г. Висотин ва бошқа расмий кишилар кузатиб қол-дилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН кооператорларининг С Ё З Д И

15 майда Тошкентда Ўзе-кистон матлубот кооператив-чиларининг XIV съезди очилди. Қўнғилқос савдоси, ум-умий оқартулаш корхоналари ҳодимлари, маҳсулот тайёрла-вчилар кўп минг кишилик от-ряднинг вакиллари съезде тў-ланилди.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Коми-тети Сиёсий бюросини узоқ да-вом этган гулдурас қарсаклар билан Фахрий президиумга сай-ладилар.

«Ўзбекбиролашув» правление-сининг раиси М. Х. Ҳасанов «Ўзбекбиролашув» правление-сининг 1970—1973 йиллар мо-байнидаги иши ва матлубот ко-оперативси ҳодимларининг ва-зифалари тўғрисида ҳисобот доклады қилди.

Съездининг ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-тетининг секретари И. Г. Анисим-нинг, Центросоюз правление-сининг раиси А. П. Кимов, Ўз-бекистон ССР Министрлар Со-вети Раясининг ўринбосари Г. А. Габриельянц қатнашмоқ-далар. Республика кооператорла-рининг съезди ўз ишчи давом эт-тирмоқда. (ЎзТАТ).

ИЛМИЙ МАРКАЗИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Москвада илмий ва техникавий ахборот халқро марказининг ян-ги биносини тантанали суратда очиш маросими бўлиб ўтди. Очиш маросимида СССР Ми-нистрлар Совети Раясининг ўри-нбосари, СССР Министрлар Со-вети фан ва техника давлат коми-тетининг раиси В. А. Кириллин иштирок этди. Узро иқтисодий ёрдам кенга-ши аъзоси бўлган мамлакатлар ва Югославия Социалистик Фе-дератив Республикасининг вакил-лари, узро иқтисодий ёрдам кенга-шининг секретари, қардош мамлакатлар информатика мар-казларининг масъул ҳодимлари тантанали маросимда меҳмонлар қаторидан жой олдилар. Совет ҳўкумати-нинг қарорига мувофиқ қурилган халқро мар-казининг бу янги биноси муваф-фақиятли иш олиб бориш учун барча зарур қўлайликларга эга. Янги марказ узро иқтисодий ёрдам кенгаши комплекс про-граммасида кўзда тутилган вази-фаларни муваффақиятли ҳал қи-лишга, шу жумладан қардош мамлакатлар информатика мар-казларининг масъул ҳодимлари тантанали маросимда меҳмонлар қаторидан жой олдилар. (ТАСС).

Узро иқтисодий ёрдам кенга-ши аъзоси бўлган мамлакатлар ва Югославия Социалистик Фе-дератив Республикасининг вакил-лари, узро иқтисодий ёрдам кенга-шининг секретари, қардош мамлакатлар информатика мар-казларининг масъул ҳодимлари тантанали маросимда меҳмонлар қаторидан жой олдилар. Совет ҳўкумати-нинг қарорига мувофиқ қурилган халқро мар-казининг бу янги биноси муваф-фақиятли иш олиб бориш учун барча зарур қўлайликларга эга. Янги марказ узро иқтисодий ёрдам кенгаши комплекс про-граммасида кўзда тутилган вази-фаларни муваффақиятли ҳал қи-лишга, шу жумладан қардош мамлакатлар информатика мар-казларининг масъул ҳодимлари тантанали маросимда меҳмонлар қаторидан жой олдилар. (ТАСС).

«КОСМОС—651» 1974 йил 15 майда Совет Иттифоқида ерининг навабдаги сунъий йўлдоши «Космос-651» учирилди.

Пўлдошга ўрнатилган аппа-ратлар нормал ишлаб турибди. Координатлаш-ҳисоблаш мар-кази олинаётган ахборотларни чшлаб чиқмоқда.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Чорвоқ посёлкасидаги қурувчи-лар маданият саройида СССР Олий Совети Иттифоқ Советига сайлов ўтазуви 627-Чирчиқ сай-лов округи сайловчиларининг де-путатлигига номзод, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, Кизил Бай-роқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўнғилларининг қўмондо-ни генерал-полковник Степан Ефимович Белоножко билан уч-рашуви бўлиб ўтди.


Ишончли вакил — Тошкент танкича командирлар олий билим юрти сиёсий бўлимининг бошли-ғи П. В. Добров, Бўстонлик раён олий партия комитетининг биринчи секретари В. А. Емцов, Газалик сўт заводи-нинг ишчиси Ш. Ҳасе-нова ва бошқалар ўз нутқларида депутатлигига қўрсатилган ном-зоднинг коммунистлар билан пар-тиячилар блокнинг муносиб вакили эканлигини айтидлар, ун-га бир қанча нақзалар бердилар.

С. Е. Белоножко билдирилган ишончли сайловчиларга самимий миннатдорчилик билдирди ва бутун кучини шу ишончли оқлашга сарфлайман, деб ишон-тирди.

Кегайли посёлкасида 560-Кегай-ли сайлов округининг сайловчи-лари шу округдан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депу-татлигига номзод, М. Жуманазо-ров ноли пехаччилик совхозининг механикатори Турғунбой Юсупов билан учрашдилар.

Ишончли вакил — «Ленин жо-ли» раён газетасининг редакто-ри Е. Еримбетов, «Кизил аскер» совхозининг бош инженери Д. Мамбетқоримов, Жамбул ноли урта мактаб директори М. Жий-дебоева ва бошқалар Турғунбой Юсуповнинг ишлаб чиқариш но-ватори, деҳқонлар социалистик муассасасининг байроқдори экан-лигини айтиб ўтдилар. Учрашу-в қатнашчилари депутатлигига қў-рсатилган номзодга нақзалар бе-ришди.

Турғунбой Юсупов сайловчи-ларга миннатдорчилик изҳор этди, уларни халқининг содиқ хиз-маткори бўламан, деб ишонтир-ди. (ЎзТАТ).



ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ЭКРАНИ

20 майдан 30 майгача Тош-кентда Осиё ва Африка мамла-катларининг учинчи халқро ки-нофестивали ўтказилди. Унинг «Тинчлик, соғлиқ тараққиёт ва халқлар оодлиги учун» деган шиорини — жаҳон кино санъати арбоблари кенг миқёсда қўллаб-қўуватламоқдалар. Бўлажак кў-рикна бағишланб 14 май кўни Москвада совет ва чет эл жур-налистлари учун матубот кон-ференцияси ўтказилди.

Фестивалнинг бош директо-ри, Ўзбекистон ССР Министр-лар Совети Кинематография давлат комитетининг раиси А. Абдуллаев қўйилганларни ма-

ринчи марта актив қатнашди. Фестивалда БМГ ва ЮНЕСКО халқро ташкилотларидан ва-киллар иштирок этди. Қабул қилинган тартибга му-вофиқ, ҳар бир мамлакат ре-смиёи экранга битта бадий фильм ва қисқа метражли ки-ноленталар программасини таъ-дим этишни мумкин. Бир қанча иттифоқ ва республика жамо-ат ташкилотлари совринлар таъсис этадилар.

Совет Иттифоқидан кўрикда Ўзбекистон, Тожикистон, Турк-манистон, Қирғизистон, Қозо-ғизистон, Озарбайжон, Армани-стон, Грузия ва Россия Федера-циясининг Осиё киносини кино-студиялари қатнашди.

Тошкент фестивали, — деб таъкидлади А. Аб-дуллаев, — актив ижодий учрашувлар, суҳбатлар ва мунозаралар ўтказилган жой сифатида машҳур бўлиб

қолди. Бу йил фестиваль до-расида Осиё, Африка ва Латин Америка мамлакатларидан ки-но санъатини ривожлантириш-нинг энг муҳим проблемаларига бағишланган симпозиум ўткази-лади. Меҳмонларга ўзбек халқи-нинг экономика ва маданият-нинг ҳамма соҳаларидаги юту-қлари билан батафсил танишиш имконияти берилди. Анъаната мувофиқ, фести-валь кўнралида чет эл фирмаларининг вакиллари фильмлар-ни сотиш ва сотиб олиш тўғри-сида битимлар тузилади. (ТАСС мухбири).

ШОЛИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида шоли экишининг бориши тўғрисида шу йил 15 майга бўлган

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — план (гектар ҳисобда); учинчи стун — бир гектар экилган майдон, туртинчи стун — жами экилган; бешинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобда.				
Наманган	3301	76	3226	97,7
Тошкент	10788	79	10497	97,5
Фарғона	2401	5	2215	92,3
Андижон	2963	6	2338	78,9
Сирдарё	7623	214	5979	78,4
Сурхондарё	4105	—	3158	76,9
Хоразм	9198	403	6591	71,7
Самарқанд	2100	32	1447	68,9
ҚҚ АССР	37470	1872	19406	51,8
Республика бўйича:	79927	2687	54857	68,6

Жиззах область Октябрь райо-нидаги Ю. Фучик ноли 14-совхозининг 2-5-йил деҳқонлари бу йил 155 гектар ерга макна-жўхори экиб, ҳар гектар майдон-дан 70 центнердан дон ва қўллаб-қўнғиллаш учун курашмоқда-лар. Шу нунларда макнажўхори экинларига иккинчи марта ишлов

берилди. Суратда: (чапдан ўн-га) бўлим бошлиғи О. Токибеев ва макнажўхориқорини бригада-сининг бошлиғи Х. Нуриддинов техника воситасида ишлов бе-риладган макнажўхорининг ривож-лини кўздан кечиравган пайт.

А. Тўраев фотоси.

Сўз ўрта бўй, қотмадан келган, кўксиде Ленин ордени порлаб турган кишига беришганда, зал бир дақиқа сув сепгандек жимиб қолди.

— Биз ҳақиқий бахт меҳнатда топилишни, инсон ҳалол меҳнати билан улуг эканини яхши биламиз, — Махмуд ака сўзини бироқ ҳаяжонланган бошлади. — Шундай экан, биз маорифчилар ва ота-оналар фарзандларимизга касб ташлашда ердан беришимиз, уларга ҳунар урганишда кўмаклашимиз лозим.

Махмуд ака жон куйдириб гапирди: — Бизки мактабларда, — деди у оғир тин олиб, — бу жуда озчиликни ташкил этса-да, айрим улгурмовчи ўқувчиларни жазолашнинг бир тури сифатида ҳунар-техника билим турларига юбориш одат бўлганига нима дейсиз? «Эс-хуснинг» йиғиб ол. Интизоминг ёмон, ўқинишнинг мазаси йўқ. Агар аҳвол шундай кетса, сен ҳунар мактабига юборишга тўғри келади, — деб ўқувчиларни «қўриқчилар» мактаб «тарбиячилари» ҳам учраб туради. Умуман, касби

ҚАЛЪ МЕЪМОРИ

Турли касб эгалари

танлаш масаласи ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва ақтуал масала.

Тошкентдаги 9-хунар-техника билим юрти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Махмуд Иброҳимов ишчи номи улуг ном, ишчи касбини ёшларимиз ўртасида кенг ташвиқ қилиш лозимлигини таъкидлаб сўзини тугатди.

«Ким бўлсам экан?» мазмундаги анъанавий учрашувни бошқараётган аёл: — Кимда саволлар бор? — дед

— Менда — деди олдинги қаторда ўтирган бир ўспирин. — Таржуман ҳолигиз билан қисқача таништириб ўтсангиз?

— Таржуман ҳолим жуда қисқа, ёнса бир қорғоз ҳам бўлмайди, — де

ди у. — Тошкентда қосибчи оиласида туғилдим. Дастлаб бошланғич, сўнгра 15-ўрта мактабда ўқидим. 7-синфни битиргач, Стрелков номида ФЭУда (ҳозирги ўзим директорилик қилаётган билим юрти) тахсил кўрдим. Уни тамомлагач, мени шу ўқув дەرгоҳида ишлаб чиқариш таълими институтини ерданчи қилиб олиб қолдишди. Кейинчалик Урта Осиё гидрометеорология техникумининг сиртки, сўнг Тошкент Давлат педагогика институтини ўзбек тили ва адабиёти факультетининг кечки бўлимида тахсил кўрдим. Хуллас, менинг бутун ҳаёт кўлим шу ўқув дەرгоҳи билан chambар-час боғланган.

— Яна кимда саволлар бор? — деди кечани бошқарувчи. Бир дақиқали сукунатдан сўнг орқароқда ўтирган қиз йиманибгина кўл кўтарди: — Саводсизлигини тугатишда иштирок этганимиз? — деди у эшитилар-эшитилмас.

— Йигирма саккиз-ўттизинчи йиллар эди. Барча 7-синф ўқувчилари саводсизлигини тугатишга жалб этилди. Жумладан, мени ҳам ўзим яшаб турган Октябрь районидаги «Гичокчилик» маҳалласига йўллашди. Бу ерда юзга яқин эркак ва аёлнинг ҳат-саводи чиқарилди. Маҳалла комитетининг секретари сифатида жамоат ишларида фаол қатнашдим. Едимда. Йигирма тўққизинчи йилнинг 8 Мартида маҳалламизнинг саводи чиққан 50 аёл ўз паранжисларини ташлади-лар эди.

Зал янада жонланиб кетди. Ёшларни кўп нарсалар қизиқтирди. Саволларнинг чеки йўқ эди.

Хурматли ёзувчимиз Назир Сафаров ибораси билан айтганда, газета, журнал, тахт-тахт китоб сатрлари алоҳида-алоҳида ҳарф, вергул ва нукта-лардан вужудга келганлигини билганимизда ҳарф терувчи деб аталувчи кишига бўлган ҳурматимиз янада ортиб кетади. Ҳа, Махмуд Иброҳимов директорилик қилаётган билим юрти бугунги кунга қадар беш миңдан ортиқ ҳарф терувчи, линотипчи, матбаачи, муқовачи каби шарафли касб эгаларини тайёрлаб етиштирди.

«Мана билим юртига, унинг директори Махмуд ака Иброҳимов номига келган бир даста мактублар. Ҳаммасида бир хил мазмун: меҳрибон устоз ва тажрибали педагог Махмуд акани олтиш ёш билан салимий ва чин қалбдан таъриқлашган. Биз ҳам Махмуд акани улуг айём билан мубора-бод этамиз.

М. ШАРОПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

25, 26 майда

ЛЕНИНБОД

27 майда

КОНИБОДОМ

28 майда

ИСФАРА

шаҳарлари стадионларида

КЕЧ СОАТ 6 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ,
ТОЖИКИСТОН ССР ВА ТОЖИКИСТОН КОМПАРТИЯСИНING 50
ЙИЛКИ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНГАН

САНЪАТ БАЙРАМИ

Дўстлик тароналари,
ҚАТНАШАДЛАР:
СССР халқ артисти
ҲАНИФА МАВЛОҶОВА
Тожикистон ССР халқ артисти
ШОИСТА МУЛЛАҶОҶОВА
Ўзбекистон ССР халқ артисти
МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Олмаҳон ҲАЙИТОВА ва Муҳаббат ШАМАЕВА;
Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Гавҳар МИРЖУМАЕВА, Зафар НИЗОМОВ, Жўрабек МУРОДОВ;
Шушқор ОДИНОВЕВ раҳбарлигидаги

ТОГЛИ ХАЛҚ ҲОҒИЗЛАРИ
Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Гулҳебра ИСМОИЛОВА,
Илос МАЛЛАЕВ, Даҳодан САДОНОВ, Нигина РАУҒОҒА, Масто-
на ЭРҒАШЕВА;

Сатира ва юмор
Устоқдам МАШРАПОВ ва Мастобек ПАЛЛАЕВ
(усто ва масто)
Телеминиатюра ва сўз устаси
Ҳасан НУЗДОШЕВ

Бутуниттифок «Октябрь 40 йиллиги» фестивали ва Бутун-
иттифок бадийи коллективлар кўргинининг лауреати
«ШОДЛИК» АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ
Ансамблининг бадийи раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган артист ҲАКИМ НИШОНОВ;
ТОЖИКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ХОРЕОГРАФИК
РУБОВЧИЛАР АНСАМБЛИ

Ансамблининг раҳбари — бастакор Насимжон ПУЛАТОВ.
Программани олиб борадилар: Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган артист Ғулом ТОҶИҚҒОЛОВ ва Эма БОБОДУСТОВА.
Билетлар сотилмоқда.
КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ ҚУРИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИ-
ЛИНАДИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00—
МОСКВА. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.40
— Кўргичок фильм. 18.50 —
«Прогресс» программаси. 19.15—
«Ахборот». 19.30 — Миллолар
леинича университети (Москва).
20.00 — Ота-оналар университети.
20.40 — «Ахборот». 21.00 —
Ер — боғлигимиз манбаи. 21.25
— Гулшан Ҳасанова кўйлади.
22.00 — «Вакт». 22.30 — Нумуш
тўй (спектакль). ИККИНЧИ ПРО-
ГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ.
Ўғув кўрсатуви. 18.35 — МОС-
КВА. 19.05 — Янгилар. 19.15
— Бодлар учун кўрсатуви. 19.30
— Азимут (Тошкент). 20.00 —
Концерт. 21.00 — Шунанаси ҳам
булади (телеконтантининг 2-се-
риясини). 22.00 — «Замандаш» про-
граммаси (Тошкент). 22.30 —
Санъат усталари концерти. 23.40
— Жаҳон велосипед пойгаси.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 —
Тошкент янгиларини. 19.15 —
Классик мусиқа саҳифаларида.
20.00 — «Ёшлар» студияси кўр-
сатади. 20.55 — Шайтон малай-
лари (бадийи фильм).

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудири: КПСС
тарихи, илмий коммунизм, умумий
деҳқончилик, машина-
трактор парки эксплуатацияси ва
механизация механизация, қиш-
лов қўлқили корхоналари хў-
жалик феолиятининг анализини
кафедра доцентлари: КПСС
тарихи, илмий коммунизм;
кафедра натта: ўқитувчиси:
пастхалини.

Конкурс мудири — эълон
қиққан кундан бошлаб бир ой.
Хужиятлари: Тошкент об-
ласт, Оржоникиде район
«Институт» алоқа бўлимига
иборишсин.

Л. М. ИСАЕВ НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МЕДИЦИНА
ПАРОЗИТОЛОГИЯСИ ИЗМИП-
ТАДИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Экспериментал протозооло-
гия лабораторияси мудири
(доктор, медицина фанлари
кадидлари);
Эпидемиология протозой ка-
салликлари бўлими мудири
(доктор, медицина фанлари
кадидлари);
Эпидемиология протозой ка-
салликлари бўлими иккинчи ил-
мий ходими (биология фанлари
кадидлари) — зоолог.
Конкурс мудири — эълон
қиққан кундан бошлаб бир ой.
Мурожаат учун адрес: Са-
марқанд шаҳар, Исаев кўчаси,
38-уй.

КАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ўқишга автоматик
бошқариш ва регуляция қи-
лиш, мелiorация ва ўзлашти-
рилган ерлар деҳқончилиги;
сиртки ўқишга: гидрогеоло-
гия, гидроавтоматизация, ау-
томатик бошқариш ва регу-
ляция қи-лиш, гидроавтоматизация ва
нижнеерти гидрологияси, су-
вотыниги ва канализация, ку-
рилиш материаллари ва буюм-
ларини, гидроавтоматизация
технологияси ва курилиш
ташкили қи-лиш, мелiorация ва
ўзлаштирилган ерлар деҳқон-
чилиги.

ХУЖИАТЛАР — 15 сентй-
брга қабул қилинади.
КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ —
15 октябрга қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент — ГСП, Я. Колас кўчаси,
24-уй.

КАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ўқишга: автоматик
бошқариш ва регуляция қи-
лиш, мелiorация ва ўзлашти-
рилган ерлар деҳқончилиги;
сиртки ўқишга: гидрогеоло-
гия, гидроавтоматизация, ау-
томатик бошқариш ва регу-
ляция қи-лиш, гидроавтоматизация ва
нижнеерти гидрологияси, су-
вотыниги ва канализация, ку-
рилиш материаллари ва буюм-
ларини, гидроавтоматизация
технологияси ва курилиш
ташкили қи-лиш, мелiorация ва
ўзлаштирилган ерлар деҳқон-
чилиги.

ХУЖИАТЛАР — 15 сентй-
брга қабул қилинади.
КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ —
15 октябрга қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент — ГСП, Я. Колас кўчаси,
24-уй.

КАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ўқишга: автоматик
бошқариш ва регуляция қи-
лиш, мелiorация ва ўзлашти-
рилган ерлар деҳқончилиги;
сиртки ўқишга: гидрогеоло-
гия, гидроавтоматизация, ау-
томатик бошқариш ва регу-
ляция қи-лиш, гидроавтоматизация ва
нижнеерти гидрологияси, су-
вотыниги ва канализация, ку-
рилиш материаллари ва буюм-
ларини, гидроавтоматизация
технологияси ва курилиш
ташкили қи-лиш, мелiorация ва
ўзлаштирилган ерлар деҳқон-
чилиги.

ХУЖИАТЛАР — 15 сентй-
брга қабул қилинади.
КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ —
15 октябрга қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент — ГСП, Я. Колас кўчаси,
24-уй.

КАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ўқишга: автоматик
бошқариш ва регуляция қи-
лиш, мелiorация ва ўзлашти-
рилган ерлар деҳқончилиги;
сиртки ўқишга: гидрогеоло-
гия, гидроавтоматизация, ау-
томатик бошқариш ва регу-
ляция қи-лиш, гидроавтоматизация ва
нижнеерти гидрологияси, су-
вотыниги ва канализация, ку-
рилиш материаллари ва буюм-
ларини, гидроавтоматизация
технологияси ва курилиш
ташкили қи-лиш, мелiorация ва
ўзлаштирилган ерлар деҳқон-
чилиги.

ХУЖИАТЛАР — 15 сентй-
брга қабул қилинади.
КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ —
15 октябрга қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент — ГСП, Я. Колас кўчаси,
24-уй.

КАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ўқишга: автоматик
бошқариш ва регуляция қи-
лиш, мелiorация ва ўзлашти-
рилган ерлар деҳқончилиги;
сиртки ўқишга: гидрогеоло-
гия, гидроавтоматизация, ау-
томатик бошқариш ва регу-
ляция қи-лиш, гидроавтоматизация ва
нижнеерти гидрологияси, су-
вотыниги ва канализация, ку-
рилиш материаллари ва буюм-
ларини, гидроавтоматизация
технологияси ва курилиш
ташкили қи-лиш, мелiorация ва
ўзлаштирилган ерлар деҳқон-
чилиги.

ХУЖИАТЛАР — 15 сентй-
брга қабул қилинади.
КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ —
15 октябрга қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент — ГСП, Я. Колас кўчаси,
24-уй.

КАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ўқишга: автоматик
бошқариш ва регуляция қи-
лиш, мелiorация ва ўзлашти-
рилган ерлар деҳқончилиги;
сиртки ўқишга: гидрогеоло-
гия, гидроавтоматизация, ау-
томатик бошқариш ва регу-
ляция қи-лиш, гидроавтоматизация ва
нижнеерти гидрологияси, су-
вотыниги ва канализация, ку-
рилиш материаллари ва буюм-
ларини, гидроавтоматизация
технологияси ва курилиш
ташкили қи-лиш, мелiorация ва
ўзлаштирилган ерлар деҳқон-
чилиги.

ХУЖИАТЛАР — 15 сентй-
брга қабул қилинади.
КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ —
15 октябрга қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент — ГСП, Я. Колас кўчаси,
24-уй.

КАБУЛ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кундузги ўқишга: автоматик
бошқариш ва регуляция қи-
лиш, мелiorация ва ўзлашти-
рилган ерлар деҳқончилиги;
сиртки ўқишга: гидрогеоло-
гия, гидроавтоматизация, ау-
томатик бошқариш ва регу-
ляция қи-лиш, гидроавтоматизация ва
нижнеерти гидрологияси, су-
вотыниги ва канализация, ку-
рилиш материаллари ва буюм-
ларини, гидроавтоматизация
технологияси ва курилиш
ташкили қи-лиш, мелiorация ва
ўзлаштирилган ерлар деҳқон-
чилиги.

ХУЖИАТЛАР — 15 сентй-
брга қабул қилинади.
КИРИШ ИМТИХОНЛАРИ —
15 октябрга қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: Тош-
кент — ГСП, Я. Колас кўчаси,
24-уй.

ШИФОКОРЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ШОГИРД ТАҲРИРИ...

Биз бу врач ҳақида илқ гап-
ларни қисқача отаҳондан эшит-
гандик. Газета олиш учун дў-
конга юзланганимизда отаҳон
қирғилини варақлаганча қотиб
ўтирар, бутун борлигини унут-
ган эди. Бизга кўзлари тушиб
ўйнайсизларди шекилли, шопи-
шча журналини чеккага қўйди-
лар.

Келинлар, ўғилларим, ке-
линлар!

— Берилиб ўқитган экансиз.
— Бир врач ҳақида эшитиб-
ди. — деди отаҳон ички ҳая-
жонда. — Илғари унчалик ҳая-
жият бермасдим, ҳозир дўхтир-
лар ҳақида эшитса сира қўймай
ўқийман. Тобим қотиб, шифо
топдим-у, уларга меҳрим янада
товланиб кетди. Буйрагимга
тош келган экан. О, унинг азо-
бини... Оғриқ турганида икки
букилиб қолардим. Операция
қилиб, тошини олиб ташлашди.

— Кунин-кеча жавоб берди: «Қа-
ни энди, отаҳон, қисқангизда-
ги мижозларингиз ҳам соғиниб
қолингандир». — деб кузатиб
қўйишди. Мана, танамдаги ло-
ҳиса йўқолиб, отдек бўлиб
кетдим. Ўша мени даволаган
дўхтирнинг қўлида меҳр гиёси
борми дейман. Давосига эмас,
муомаласига ҳам тузалов кета-
ди киши. Газета-журналларда
дўхтирлар ҳақида эшитса, ўша
киши ҳақида ҳам гап йўқимкин
деб тилингани-тигинган. Эшит-
қўлимдан келганида бир татри-
фиин келтирармизда, ўша дўх-
тирини.

Бу гап юрғимизда чўғ таш-
лади. Қўли ва сўзи мўъжизали
йигит киши эканлигини сўради.
Қисқача баҳотики танмасалар-
рингиз деган маънода ҳайрат-
омуз қараб қўйди.

— Уни Абдураҳмон Абду-
минов дейдилар. Медицина фан-
лари кадидати. Ҳамма билса
керек деб ўйлабман. Лекин ка-
салхонада танмаган киши
йўқ. Айниқса, унинг қўлида да-
волаганлар одамхўлигини
ҳеч-ҳеч унутмасалар керак.

Отаҳоннинг «доктор ўғли»
ҳақида тўлиб-тошиб гапирин-
ган унинг юрагиде врач-уролог
Абдураҳмон Абдуминовга нис-
батан олдий сўзлар билан айтиб
бўлмайдиган чексиз бир ташак-
кур, миянатдорчилик ёниб тур-
ганини аққол сездик. Отаҳон-
нинг гаплари баҳона бўлино-
у, бу врач билан урашиб, суҳбат-
лашдик.

Болаликда кимдир учувчи,
кимдир геолог бўлишни хоҳай-
ди. Абдураҳмон, албатта, уролог
бўлишни хаёлига келтирмаган.
Аммо умуман, шифокор бўлиш
ниятини болаликдан юрагига
тутиб қўйган эди. Мана шу ни-
ят уни Тошкент Давлат медици-
на институтига етаклади. Инс-

титутнинг даволаш факультети-
ни тамомлагач, Қашқадарь об-
ластига ишга йўланма олди.
Бу ерда у урология бўлими
ташкилчиларидан бири бўлди.

Республика медицина фанида
буйракни даволаш нисбатан кам
ўрганилган. Ёш соҳалардан ҳи-
собилашди. Абдураҳмон мана шу
соҳада мухассис бўлиб, ети-
лишга аҳд қилди. Шу муддод
билан 1965 йилда Тошкент шаҳ-
ридаги Республика врачлар ма-
лакасини ошириш институти-
га — урология бўлини аспиран-
турага ҳужжатлар топширди.

Ўша йили Ростов-Дон шаҳрида-
ги медицина институтининг хи-
рургия факультети профессори,
машҳур уролог олим Русаковга
шогирд тушди. Пиелонефрит бил-
ан касалланган буйракдаги
тошларни аниқлаш ва даволаш
мавзусида кандидатлик иши
олиб борди.

Буйракдаги тош операция
йўли билан олиб ташлаш ҳозир
медицинада анча кенг қўллани-
лади. Лекин айрим беморларда
мана шу касаллик яна қайтала-
ниши мумкин. Чунки операция-
дан кейин ҳам буйракда тош
ёки кум зарралари қолади. Бу
зарарлардан яна тош ҳосил бў-
лиши мумкин. Касал шу тарик-
ча янгиланади. Русаков бунинг ол-
дини олиш масаласи билан қўл
биллар шугулланган. Ўзининг
даволаш методикасини яратган.

У 1964 йилда операциядан ке-
йин бемор буйрагига антисептик
эритмаи томилиштириб ювини
суяли жорий этди. Бу анча фой-
дала ва содда усул жароҳлик-
да кенг ишлатилмоқда.

Абдураҳмон Абдуминов Руса-
ковнинг бу даволаш усулига
жуда ўринли тахрир киритди.
Русаков буйрак қатламига
иккинчи илгичча резина найчани
ёнима-ён туширар эди. Найчалар-
нинг биридан эритма томилиги
юборилади, иккинчисидан эса
ювилган зарралар ва қолдиқлар
чиқиб кетади. Бирок, мана шу
резина найчаларни буйракка
киритиш учун кенгрок жой
ошиш лозим. Абдуминов эса
полихлорвинил найчани тав-
сия этди. Унинг усулида эри-
тма юборилганидан илгичча найча
чиқитлар оқиб тушадиган йўғон
найча ичига жойлаштирилади.

Бу найчанинг диаметри бор-йў-
ғи ярим сантиметр. Иккинчи-
дан, резина найчалар буйракни
қўнчица айлантириб қўйар
эди ва бу аҳвол қўнчица да-
волашга талаб қўйди. Полихлор-
винил найча эса буйракни айл-
лангизтирмайди.

Устоз қобилиятли шогирди-
нинг тақлифини маъқуллаб кў-
тиб олди. Энди Русаков усули
Абдуминовнинг ана шу тах-
рири билан буйрак операцияла-



ида муваффақиятли қўлланил-
моқда.

Абдураҳмон Абдуминов ҳо-
зир республика ўпка касалли-
лари илмий-текириш институ-
тининг урология бўлимида иш-
лаб турибди. У бу ерда умумий
даволаш ишларидан ташқари
юзлаб пластик операциялар қи-
либ, бу усулни муваффақият
билан қўлламоқда.

— Ҳозир, — деди у, — сил
касаликларнинг ҳаффи кў-
ринишидан бири бўлган буй-
рак силлининг бошланғич пай-
тида хусусиятларини ўрганиш
устиде назий текириш иш-
лари олиб бориламан. Бу касал-
лик тез-тез учраб туради. Айни
пайтда анча оғир кўлади. У ме-
дицина фанида ҳали яхши ўрга-
нилмаган. Хар қандай касаллик
каби буйрак силлининг ҳам бо-
шланғич жараёни атрофияда ўр-
гангиза, даволаш енгиллашади.

Абдуминов олдинкида бир
даста хат қўйди. Бу мактублар
соллинган ранга-ранг конверт-
ларда республикамизнинг тур-
ли районлари адресини учра-
тиш мумкин. Уларнинг авторла-
ри ўзларини даволаган, дардла-
рига малҳам қўйиб, оёқда тур-
газган малакали врач-уролог
Абдураҳмон Абдуминовга қўн-
дан қўл миннатдорчиликларини
билдиришар, қўтуғу қўйлар бил-
ан, мувораққод этишарди.

Мактуб ёзган кишилар ора-
сида ишчинин ҳам, курувчи-
но, деҳқонин ҳам, энгилдин ҳам уч-
ратиш мумкин эди. Оқуғорон
районлик Эргаш Тўраев қалб
сўзларини шундай деб баён
этибди: «Оиламиз билан давра
қуриб ўтирганимизда қўнчица
сизни аслаймиз. Сиз мана шу

оила боши бўлган менга қайта-
дан ҳаёт бахш этдингиз. Ру-
ҳим тушиб юрган кезларимда
қўнчилини кўтариб, ҳаётга
бўлган ишончини кучайтир-
дингиз, сиз қилган операция
дардан форуғ бўлишимга ер-
дам берди». Тошкент об-
ласт, Калинин районида Зайниддин
Асқаров, Яқубов, районлик
Облоқул Ражабов сингари жуда
кўп кишиларнинг мактубла-
ри ҳам ана шундай салимий
сўзлар билан тўла эди.

Хонага малла соч, мовий
қўзл хампир кириб келди.
У ҳаяжонда эди:

— Кечирасизлар, Абдура-
ҳмон ака ҳали ерталаб қабул қи-
лингн бемор қизча бетақат бў-
лишди.

Врач биздан уэр сўраб, чақ-
қон ўриндан турди. Хайраш-
дик. Хонадан чиққанимизда у
бутун вужуди билан серма-
шаққат, аммо ниҳоятда шараф-
ли ишга берилиб кетган, ўз
ердамин мушқоб бўлиб кута-
ётган қизча ҳузурига шопиб
кетиб борар эди.

М. САФАРОВ,
С. МУХИДИНОВ.

Суратда: Ўзбекистон ўпка касал-
ликлари илмий текириш инсти-
тутининг урология бўлими натта
илмий ходими (ўнган иккинчи)
Абдураҳмон Абдуминов шу бў-
лим раҳбари, медицина фанлари
кадидати Мария Кришова, бўлим
мудири